

## ЖИНОЯТ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7516379>



ELSEVIER



Received: 08-01-2023

Accepted: 09-01-2023

Published: 22-01-2023

**С.Н.Эсаналиев**

Андижон вилоят прокуратураси  
11.1 бўлим прокурори  
2-даражали юрист



**Abstract:** Мақолада жиноят суд ишларини юриштишда дастлабки эшитув институти, унинг ҳуқуқий тавсифи ва у билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар аҳамияти таҳлил этилган. Таҳлил якунида хориж амалиёти ва ушбу соҳани такомиллаштиришга оид тақлифлар ишлаб чиқилган.

**Keywords:** дастлабки эшитув, суд ажрими, судья, прокурор

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.



Received: 08-01-2023

Accepted: 09-01-2023

Published: 22-01-2023

**Abstract:** В статье анализируется значение института предварительного слушания, его правовая характеристика и связанные с ним общественные отношения при ведении уголовного судопроизводства. По завершению анализа были выработаны предложения по совершенствованию зарубежной практики и данной области.

**Keywords:** предварительное слушание, решение суда, судья, прокурор

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.



Received: 08-01-2023

Accepted: 09-01-2023

Published: 22-01-2023

**Abstract:** The article analyzes the importance of the institution of preliminary hearing, its legal description and the social relations related to it in the conduct of criminal court proceedings. At the end of the analysis, proposals were developed for the improvement of foreign practice and this field

**Keywords:** preliminary hearing, court decision, judge, prosecutor.

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 13-моддасига кўра<sup>30</sup>, демократия умуминсоний принципларга асосланиб, унга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади.

Эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш

<sup>30</sup> («Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгазининг Ахборотномаси, 1994 й., 1-сон, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 3-4-сон, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 й., 12/1-сон, 343-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 152-модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2011 й., 16-сон, 159-модда; 2014 й., 16-сон, 176-модда; 2017 й., 14-сон, 213-модда, 22-сон, 406-модда, 35-сон, 914-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.10.2018 й., 03/18/498/2051-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон; 09.02.2021 й., 03/21/670/0089-сон, 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон).

мақсадида қонунчилик базаси халқаро андозаларга мос равишда такомиллашиб борилмоқда.

Давлат раҳбарининг 14.05.2018 йилдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар изчил амалга оширилмоқда.

Хусусан, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича судгача ва суд жараёнида қонунийликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларнинг олдини олиш, тарафларнинг ўзаро тортишув тамойилини таъминлаш мақсадида 18.02.2021 йилда 675-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга асосан, Жиноят-процессуал кодексига жиноят иши бўйича дастлабки эшитув босқичи жорий этилди.

Дастлабки эшитув тортишув тамойилларига асосланган ҳолда суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолияти устидан бевосита суд назорати бўлиб, процессуал қонунчиликка асосан ўтказиладиган жараёнدير.

Дастлабки эшитув институтининг ўзига хос жихатларини нималарда кўришимиз мумкин.

**Биринчидан**, мазкур босқичда қонун устуворлиги таъминланади;

**Иккинчидан**, процесс иштирокчилари (тарафлар)нинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш имконияти яратилади;

**Учинчидан**, процесс иштирокчилари (тарафлар)нинг маълум маънода оворагарчиликларини ҳамда процессуал муддатларни сабабсиз чўзилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Дастлабки эшитув институти, унинг қонун ҳужжатлари тизимида тутган ўрни ва амалий аҳамияти ҳақида ҳуқуқшунос олимларнинг турлича ёндашувларини кўриш мумкин.

Ҳуқуқшунос Д.С.Довудова(phD)нинг фикрига кўра, Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ дастлабки эшитув суд муҳокамасига тайёргарлик босқичи бўлиб, мазкур босқичнинг мақсади жиноят ишини ўрганиш, суд муҳокамасига тайёргарлик кўриш, дастлабки тергов ва суриштирув давомида жиноят иши бўйича тўпланган материалларнинг сифатига ҳуқуқий баҳо бериш, жиноят ишининг кейинги тақдирини ҳал қилишдан иборатдир<sup>31</sup>.

<sup>31</sup> Д.С.Довудова “PRELIMINARY HEARING OF CRIMINAL CASES: FEATURES, ISSUES AND NEED FOR IMPROVEMENT”. International Journal Of Law And Criminology. (ISSN – 2771-2214) VOLUME 02 ISSUE 08 Pages: 19-24.

Ҳуқуқшунос С.М.Рахмонованинг фикрича, дастлабки суд мажлисининг мазмуни жиноят-процессуал қонунида назарда тутилган ва қатъий процессуал шаклда амалга ошириладиган суднинг, шунингдек айблов ва ҳимоя тарафларининг ҳаракатлари тизими бўлиб, дастлабки эшитув – суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолияти устидан

бевосита суд назорати шаклларида бири ҳисобланади<sup>32</sup>.

Олим Н.Н.Ковтуннинг қарашларига кўра, дастлабки суд мажлиси институтини тугалланган дастлабки терговнинг бориши ва натижалари устидан суд назоратининг яқуний шаклидир<sup>33</sup>.

Олим В.П.Вериннинг фикрича, ушбу босқичнинг асосий мақсади судга дастлабки тергов органлари, прокурорлар томонидан жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг бузилишига йўл қўйган жиноят ишларининг келиб тушишини истисно қилишдир<sup>34</sup>.

Юқоридагиларга кўра, ҳуқуқшунос Д.С.Довудованинг фикрига қўшилиш мумкин. Яъни дастлабки эшитув - жиноят ишини ўрганиш, суд муҳокамасига тайёргалик қўриш, дастлабки тергов ва суриштирув давомида жиноят иши бўйича тўпланган материалларнинг сифатига баҳо бериш, жиноят ишининг кейинги тақдирини ҳал қилишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 405<sup>3</sup>-моддасига кўра<sup>35</sup>, дастлабки эшитув жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш, жиноят иши

<sup>32</sup> С.М.Рахмонова, “Предварительное слушание дела как форма назначения дела к судебному разбирательству”. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. – Т: 2018 ., -289 ст.

<sup>33</sup> Ковтун Н.Н., Юнусов А.А. Полномочия судьи в стадии назначения судебного заседания существенно «подкорректированы» разъяснениями Пленума // Российский судья. - 2004. - № 9. – С. 10-18.

<sup>34</sup> Практика применения Уголовно-процессуального кодекса Российской Федерации. Практическое пособие /Под ред. В.П. Верина. М.: Юрайт-Издат, 2006. – 80 с.

<sup>35</sup> (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 269-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда, 9-сон, 241-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда, 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда, 7-8-сон, 217-модда; 2001 й., 1-2-сон, 11-модда, 23-модда, 9-10-сон, 165-модда, 182-модда; 2002 й., 9-сон, 165-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; 2007 й., 6-сон, 248-модда, 249-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 408-модда; 2005 й., 52-сон, 385-модда; 2006 й., 25-26-сон, 226-модда; 2007 й., 17-18-сон, 171-модда, 39-сон, 401-модда, 50-51-сон, 502-модда, 503-модда, 52-сон, 532-модда; 2008 й., 14-15-сон, 84-модда, 94-модда, 37-38-сон, 363-модда, 365-модда, 39-сон, 390-модда, 52-сон, 509-модда, 514-модда; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 15-сон, 179-модда, 38-сон, 415-модда, 52-сон, 552-модда, 553-модда; 2010 й., 22-сон, 174-модда, 35-36-сон, 300-модда, 37-сон, 314, 315-моддалар, 39-сон, 340-модда, 52-сон, 509-модда; 2011 й., 16-сон, 161, 162-моддалар; 2011 й., 40-сон, 410-модда; 51-сон, 542-модда; 2012 й., 1-сон, 3-модда, 38-сон, 433-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда, 39-сон, 457-модда; 2017 й., 1-сон, 1-модда, 13-сон, 194-модда, 24-сон, 487-модда, 36-сон, 943-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 21.07.2018 й., 03/18/485/1552-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 23.10.2018 й., 03/18/503/2080-сон; 10.01.2019 й., 03/19/514/2450-сон, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда, 05.03.2019 й., 03/19/526/2701-сон; 03.05.2019 й., 03/19/534/3046-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 09.07.2019 й., 03/19/548/3395-сон, 29.08.2019 й., 03/19/558/3662-сон, 05.09.2019 й., 03/19/564/3690-сон, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон, 23.10.2019 й., 03/19/572/3943-сон; 06.11.2019 й., 03/19/579/3994-сон; 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон; 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон; 07.12.2019 й., 03/19/587/4122-сон; 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; 26.03.2020 й., 03/20/613/0362-сон, 15.05.2020 й., 03/20/617/0585-сон, 01.12.2020 й., 03/20/651/1577-сон; 26.12.2020 й., 03/20/658/1670-сон; 13.01.2021 й., 03/21/664/0014-сон; 15.01.2021 й., 03/21/666/0032-сон;

бўйича иш юритишни тугатиш, жиноят ишини айблов далолатномасини, айблов хулосасини ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурорга юбориш, Жиноят-процессуал кодексда назарда тутилган ҳолларда жиноят ишларини бирлаштириш, номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш тўғрисида тарафлардан бирининг илтимоси мавжуд бўлса, ушбу далилларни чиқариб ташлаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда ўтказилиши мустаҳкамланган.

Мамлакатимизда дастлабки эшитув қонун ҳужжатларига киритилган янги институт бўлиб, бугунги кунда унинг амалиётда қанчалик даражада қўлланилаётганлиги бахсли масаладир.

Мамалан, статистик маълумотларга қараганда, АҚШда жиноят ишларининг 96 фоизи айнан ушбу босқичда ҳал этилган бир пайтда, мамлакатимизда судлар томонидан 2021 йилда дастлабки эшитув институтининг қўлланилиши билан боғлиқ суд амалиётини умумлаштириш натижаларига кўра, ушбу йилда жами 61.263 нафар шахсга нисбатан 47.657 та жиноят иши кўриб чиқилган бўлиб, ушбу ишларнинг 163 нафар шахсга нисбатан 92 таси юзасидан дастлабки эшитув ўтказилган<sup>36</sup>.

ЖПКга кўра, суд тарафларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказилади. Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказиш ҳақидаги суднинг ажрими чиқарилган пайтдан эътиборан беш суткадан кечиктирмай бошланиши керак. Дастлабки эшитувни ўтказиш давомийлиги дастлабки эшитув бошланган кундан эътиборан ўн суткадан ошмаслиги кераклиги баён қилинган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, янги жорий этилган дастлабки эшитув институтининг қонунда белгиланган назарий асосларида айрим ҳуқуқий бўшлиқларни кўришимиз мумкин.

Масалан, ЖПКнинг 405<sup>3</sup>-моддасида назарда тутилган барча асослар бўйича тарафларнинг илтимосномасига асосан ёки ўз ташаббуси билан суд дастлабки эшитувни ўтказиш ҳақида ажрим чиқариши кўрсатилган бўлсада, ЖПКда жиноят иши ҳужжатлари билан танишгандан сўнг тарафларнинг илтимосномалари қачон ва қанча муддатда берилиши ҳақида аниқ қоида мустаҳкамланмаган.

Хусусан, ЖПКнинг 405<sup>3</sup>-моддасида тарафларнинг дастлабки эшитув ўтказиш учун илтимоснома бериш муддатини қонунда аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ. Бу эса, келгусида ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли хил

15.01.2021 й., 03/21/667/0035-сон; 13.02.2021 й., 03/21/673/0112-сон; 18.02.2021 й., 03/21/675/0126-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон, 26.08.2021 й., 03/21/711/0825-сон; 17.09.2021 й., 03/21/716/0877-сон, 30.10.2021 й., 03/21/726/1001-сон, 07.12.2021 й., 03/21/735/1141-сон; 16.02.2022 й., 03/22/754/0134-сон; 14.03.2022 й., 03/22/759/0213-сон, 12.04.2022 й., 03/22/762/0290-сон, 24.06.2022 й., 03/22/780/0560-сон)

<sup>36</sup> [Oliysud.uz/hhtt/www.oliysud.uz](http://www.oliysud.uz).



талқинларнинг олдини олади ва тарафларга мажбурият юклашини келтириб ўтиш мумкин.

Маълумки, жиноят иши бўйича дастлабки эшитув судья томонидан жиноят иши бўйича дастлабки эшитувни тайинлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган пайтдан эътиборан беш суткадан кечиктирмай бошланиши, дастлабки эшитувни ўтказиш давомийлиги эса дастлабки эшитув бошланган кундан эътиборан ўн суткадан ошмаслиги белгиланган.

ЖПКнинг 405<sup>3</sup>-моддаси иккинчи қисми 5-бандига асосан номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш тўғрисида тарафлардан бирининг илтимоси мавжуд бўлса, ушбу далиллар чиқариб ташланиши белгиланган.

Мазкур қоидадан кўринадик, номақбул далилларни жиноят ишидан чиқариш тўғрисида фақат тарафлар илтимоснома беришга ҳақли бўлиб, судьяда ушбу ҳуқуқ мавжуд эмас. Лекин, жиноят ишини мазмунан ҳал этишда суд муҳим ўринда бўлганлиги сабабли, жиноят процессуал қонунчиликнинг ушбу қоидасини асосли деб бўлмайди.

Ваҳоланки, ЖПКнинг 74-моддасига кўра, суд далилларга ишнинг барча ҳолатларини жамлаб, уларни суд мажлисида қонунга амал қилган ҳолда ҳар томонлама, тўлиқ ва холис кўриб чиқишга асосланган ўз ички ишончи бўйича баҳо бериши кўрсатилган.

Масалан, жиноят иши ҳужжатларидан кўринишича, тафтиш тергов ҳаракати Жиноят-процессуал кодекси талаблари бузилган ҳолда ўтказилган. Бироқ, тарафлардан мазкур номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш бўйича илтимоснома келиб тушмаган бўлса, ЖПК талабига биноан, суд бу каби ташаббус қилишга ҳақли эмаслиги кўрилади. Мазкур ҳолатда дастлабки эшитув ўтказиш учун асос бўлган тақдирда ҳам, уни ўтказувчи субъект илтимосномасининг мавжуд эмаслиги турли талқинларни келтириб чиқариши табиий албатта.

Юқоридаги асосга кўра, Жиноят-процессуал кодексига суднинг ҳам номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш бўйича ўз ташаббуси билан дастлабки эшитув ўтказиш ваколатини киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки, судья дастлабки эшитувда далиллар ЖПК талаблари асосида мақбуллик шартларига риоя қилинган ҳолда олинганлигини исбот қилиш субъекти сифатида баҳо беради.

Ёхуд, жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказиш асосларидан яна бири бу ЖПКнинг 83 ва 84-моддаси биринчи ва бешинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда суд жиноят ишини тугатишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Бизга маълумки, дастлабки эшитув жинойт ишини судда муҳокама қилиш учун тайёргарлик босқичи бўлиб, мазкур босқичда ЖПКнинг 83-моддасига асосан жинойт ишини тугатиш ноўрин ҳисобланади.

Ҳуқуқшунос Д.С.Довудованинг фикрича, “дастлабки эшитув жинойт ишини судда муҳокама қилиш учун тайёргарлик босқичи ҳисобланади. Бироқ, ЖПКнинг 83-моддасига асосан жинойт ишини тугатиш учун дастлаб айблов мазмунан муҳокама қилиниши, унинг асослилиги, қонунийлиги текширилиши лозим. Дастлабки эшитув босқичида эса, жинойт иши мазмунан муҳокама қилинишга йўл қўйилмайди”<sup>37</sup>.

Ҳақиқатан, дастлабки эшитув босқичида айблов мазмунан муҳокама қилиниши, унинг асослилиги, қонунийлиги текширилиши лозим.

Фикримизча, дастлабки эшитув босқичи суд муҳокамасига тайёргарлик босқичи бўлганлиги сабабли ундан жинойт ишини реабилитация асосларига кўра тугатишни чиқариш лозим.

Дастлабки эшитув институти ривожланган хорижий мамлакатлар Россия, Беларусия, АҚШ, Европа давлатларидан (Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Испания)да жорий этилган бўлиб, бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда.

Ҳуқуқшунос С.М.Рахмонованинг фикрича англо-саксон ҳуқуқ тизимида намуна сифатида дастлабки эшитув (preliminary hearing)нинг классик шакли Буюк Британияда вужудга келган. Яъни, айблов акти асосида таъқиб этиладиган жинойтлар тўғрисидаги ишлар юзасидан дастлабки эшитув магистрат судья томонидан олиб борилади. Бунда судья судланувчининг айбдорлиги масаласига тўхталмасдан, айнан мазкур шахс томонидан жинойт содир этилганлигини тасдиқловчи етарли далиллар тўпланганлиги, барча далиллар мақбуллиги, яъни ҳуқуқ нормаларининг бузилиши натижасида олинмаганлиги тўғрисида дастлабки хулосага келади<sup>38</sup>.

АҚШда дастлабки эшитув билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар асосан (ижтимоий хавфи катта, оғир) жинойтлар бўйича ўтказилса, Испанияда ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жинойт ишлари бўйича дастлабки эшитув ўтказилади.

МДХ давлатларида дастлабки эшитув институти турлича номлар билан аталсада, мазкур институтнинг фундаментал асослари бир бирига ўхшашлигини кўришимиз мумкин.

---

<sup>37</sup> Д.С.Довудова “PRELIMINARY HEARING OF CRIMINAL CASES: FEATURES, ISSUES AND NEED FOR IMPROVEMENT”. International Journal Of Law And Criminology. (ISSN – 2771-2214) VOLUME 02 ISSUE 08 Pages: 19-24.

<sup>38</sup> С.М.Рахмонова, “Предварительное слушание дела как форма назначения дела к судебному разбирательству”. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. – Т: 2018 ., -289 ст.

Юқоридагиларга кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган дастлабки эшитув институти билан боғлиқ назарий ҳуқуқий асослар амалиёт билан чамбарчас боғлиқ бўлиши ҳамда жойларда ҳуқуқни қўллаш ягона амалиёти ўрнатилиши даркор.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

#### Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар :

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

1. Уголовный процесс: учебник / А.В.Смирнов, К.Б.Калиновский; под общ.ред. А.В.Смирнова. -7-е изд., перераб. –М.: Норма: ИНФРА-М, 2019. – С 544.

2. С.М.Рахмонова. Предварительное слушание дела как форма назначения дела к судебному разбирательству/ Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. –Т. 2018. - 238 Б.

3.[http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_34481/36f2e6da2a91b60b1dc4cc13abd5d3c2c389e9ed/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/36f2e6da2a91b60b1dc4cc13abd5d3c2c389e9ed/).

4. Д.С.Довудова “PRELIMINARY HEARING OF CRIMINAL CASES: FEATURES, ISSUES AND NEED FOR IMPROVEMENT”. International Journal Of Law And Criminology. (ISSN – 2771-2214) VOLUME 02 ISSUE 08 Pages: 19-24.